



Нұкис шахри

Нәкис қаласы

№ 171

«15» июнь 2020 ж.й

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида қаттиқ майший чиқіндиларни түплаш ва олиб чиқиши хизматлари учун янги тариф қийматларини тасдиқлаш түғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Чиқіндилар түғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами, 2010 й., 42-43-сон, 364-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чиқіндилар билан боғлік ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш түғрисида» 2019 йил 6 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган қаттиқ ва суюқ майший чиқіндиларни түплаш ва олиб чиқиб кетиш бүйіча хизматлар күрсатиши қоидаларининг 7-банди, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2020 йил 13 февралдаги 03/18-20-360-сон, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 19 февралдаги СМ/06-02/373-сонли Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 18 февралдаги 05/521-сонли ва Қорақалпоғистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 19 февралдаги 02-04/292-сонли хатларига мувофиқ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида қаттиқ майший чиқіндиларни түплаш ва олиб чиқиши хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий барқарор фаолият юритишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қиласи:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш қўмитасининг хатлари маълумот учун қабул қилинсин.
2. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида қаттиқ майший чиқіндиларни түплаш ва олиб чиқиши хизматлари учун янги тариф қийматлари иловага мувофиқ тасдиқлансан.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш қўмитаси (М.Джуманиязов) тасдиқланган тарифлар асосида белгиланган тартибда шартномалар тузиш ишларини ташкил этсин;

тузилган шартномалар асосида чиқиндиларни ўз вақтида тегишли жойларга чиқарып ташлаш бўйича ишларнинг талаб даражасида бажарилишини таъминласин ва назорат қилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2019 йил 7 январдаги “Қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун янги тариф қийматларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1-сонли карори (“Еркин Қарақалпақстан” газетаси 2019 йил 10 январь № 5-6 (20248) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган хуқукий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.


6. Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясига (Б.Елманов), Ахборот агентлигига (Б.Нурабуллаев) қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун янги тариф қийматлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг биринчи ўринbosари Ж.Казбеков ва Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси (М.Джуманиязов) зиммаларига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

Қ. Сариев



Қарақалпогистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2020 йил « 15 » июндаги
171 - сонли қарорига илова

Қарақалпогистон Республикаси худудида қаттиқ майший чиқиндиларни
түплаш ва олиб чиқиб кетиш хизмати учун янги тариф қийматлари

№	Хизматдан фойдаланувчилар	Үлчов бирлиги	Тарифлар қийматлари, сўмда	
			Кўшилган қиймат солиғисиз	Кўшилган қиймат солиги билан
1	Жисмоний шахслар	1 одамдан бир ойга	2600	—
2	Юридик шахслар	1 м ³ учун	46 000	52 900 ✓